Ислом КАРИМОВ:

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Бундай ҳодисалар давлат чегараларини тан олмайди.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
15 АПРЕЛЬ,
ШАНБА

№ 46 (25.596).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЗЎРАВОНЛИК ВА ТЕРРОРГА ҚАРШИ

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Афғонистоннинг ўзаро уришаётган томонларни Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларациясини амалга оширишга даъват этмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жумладан, Афғонистондаги можарони ҳал этиш билан боғлиқ. Бу мамлакатдаги ҳозирги вазият халқаро ҳамжамиятни ҳам жиддий ташвишлантирмоқда. Чунки, Афғонистон ҳудуди бугунги кунда халқаро терроризм, қурол-яроғ контрабандаси, наркотикларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг мисли кўрилмаган марказига айланган. Кўп йиллик қуролли можаролар бу мамлакатни вайронага айлантирди, иқтисодиётини ва фуқаролари турмушини ўнлаб йиллар орқага сурди.

Афғонистондаги беқарорлик мамлакат ташқарисига чиқиб, бошқа ҳудудларга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида шундай деган эди: **«Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратиб бўлмайди».** Бу билан давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистон муаммосига қаратиб, мазкур масаланинг жиддийлигини таъкидлаган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилдаги сессиясида давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича, хусусан, Афғонистонга қурол олиб киришни қатъий тақиқлашга доир қатор амалий таклифларни илгари сурди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1997 йилнинг 24 августида Ўзбекистон Афғонистон билан чегарадош бўлган олтита мамлакат, шунингдек, АҚШ ва Россия иштирокидаги Мулоқот гуруҳини тузиш тўғрисидаги амалий ташаббус билан чиқди. Кўп ўтмай, Нью-Йоркда Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатларнинг доимий вакиллари иштирокида дастлабки ташкилий мажлис бўлиб ўтди. Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг йўлларини излаш натижасида Тошкентда БМТ мақоми остида «6+2» гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитларида ва бошқа халқаро анжуманларда, турли давлатлар раҳбарлари билан музокараларда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлашдан толмай, халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини афғон муаммосини ҳал этишга жалб этиш учун интилмоқда. Бунинг сабаби барчага аён. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилиши мамлакатимиз хавфсизлигини, умуман, минтақа хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратади. Хавфсизлик ва барқарорлик — тараққиётнинг асосий шартидир.

Ҳозирги пайтда Афғонистондаги қуролли тўқнашувларнинг янги босқичи халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солмоқда. Бу таҳдид нафақат ҳарбий ҳаракатлар, балки мазкур мамлакатда наркотик ва қурол-яроғ контрабандасининг ривожланиши, терроризм ва айниқса, салбий тус олаётган Ислом динини радикаллаштириш жараёнининг кучайиши билан ҳам боғлиқ. Буларнинг барчаси жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2000 йил 7 апрелда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида «Афғонистондаги вазият» масаласи кўриб чиқилган эди. Мажлисда Хавфсизлик Кенгашининг раиси Кенгаш аъзолари номидан қилган баёнотида, Хавфсизлик Кенгаши афғон можаросининг давом этаётганлигидан жиддий ташвишда эканлигини билдирди.

Жаҳон ҳамжамияти «Толибон» ҳаракатининг янги ҳужум операцияларини кенгайтираётганлигини, айниқса, 2000 йилнинг 1 мартида бошлаган ҳужумини қатъий қораламоқда. Шу муносабат билан Кенгаш можарода иштирок этаётган томонларнинг кенг кўламдаги ҳарбий ҳаракатларни бошлашга тайёрлиги ҳақидаги хабарлар ташвишга солаётганлигини билдирди ва ҳар икки томонга ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш борасида бир неча бор қўйилган талабларини эслатди. Чунки, бу воқеалар Афғонистон аҳолисининг бусиз ҳам оғир аҳволини янада мураккаблаштиради.

Баёнотда Афғонистон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслиги, моноэтник ҳамда барча афғонлар учун мақбул бўлган, кенг асосдаги вакиллик ҳукуматини яратишга йўналтирилган музокаралар олиб бориш йўли билан сиёсий тартибга солиш лозимлиги ва фақат шу йўл билан миллий келишувга эришиш мумкинлиги яна бир бор таъкидланган.

Хавфсизлик Кенгаши Раисининг баёнотида Афғонистон Бирлашган фронтининг «Толибон» ҳаракати билан музокараларга тайёрлиги қайд этилади. Кенгаш томонлар, айниқса «Толибон» ҳаракатидан зудлик билан ва ҳеч қандай шартларни илгари сурмасдан урушни тўхтатиш тўғрисида битим тузишни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақоми остида Бош Ассамблея ҳамда Кенгашнинг тегишли қарорларига мувофиқ ҳолда музокараларни давом эттиришни талаб қилди.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти Афғонистондаги жанговар ҳаракатлар тўхтамаётганлиги оқибатида бу ердаги аҳвол ёмонлашаётганидан жиддий ташвишга тушмоқда. Шу муносабат билан Кенгаш баёнотида бунинг учун асосий жавобгарлик «Толибон» ҳаракати зиммасида эканлиги қайд этилади.

Хавфсизлик Кенгаши Афғонистонда инсон ҳуқуқлари борасидаги вазиятдан жиддий хавотирланмоқда. Кенгаш баёнотида ноҳарбий кишилар билан муносабатлардаги хунрезликлар, уларнинг мулки ва ҳаёт кечириш воситаларини йўқотиш, оммавий қатллар, оддий кишиларни ўзбошимчалик билан ушлаб туриш ва уларни мажбурий меҳнатга жалб этиш, эркакларни оиласидан ажратиш, ёппасига бомбардимон қилиш, инсон ҳуқуқлари ва халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи соҳасидаги бошқа тартиббузарликлар кескин қораланади. Кенгаш Афғонистондаги барча томонларни, айниқса «Толибон» ҳаракатини бунга чек қўйиш ва фуқаролар муҳофазасини таъминлашга чақиради.

Жаҳон аҳли хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилмаётгани, Афғонистоннинг, айниқса «Толибон» ҳаракати назоратида бўлган ҳудудларда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилаётганини қоралайди.

Хавфсизлик Кенгаши Раисининг баёнотида яна қуйидагилар қайд этилади: **«Хавфсизлик Кенгаши «6+2» гуруҳи аъзоларининг афғон можаросини тинч йўл билан тартибга солишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини маъқуллайди ва гуруҳ аъзоларини ҳамда курашаётган томонларни Афғонистондаги можарони тинч йўл билан тартибга солиш асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларациясини бажаришга чақиради».**

Шуни қайд этиш зарурки, Хавфсизлик Кенгаши Афғонистоннинг, айниқса, «Толибон» ҳаракати назоратида бўлган ҳудудларидан террорчиларга бошпана бериш ва тайёрлаш ҳамда террорчилик ҳаракатларини режалаштиришда фойдаланишни кескин қоралайди ва яна бир бор халқаро терроризмни йўқ қилиш халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканига қатъий ишонч билдиради.

Жаҳон ҳамжамияти «Толибон» ҳаракатидан халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотларига бошпана бериш ҳамда уларни тайёрлашни тўхтатишни, унинг назоратида бўлган ҳудудлар террорчиларнинг база ва лагерларини тузишда ёки бошқа давлатлар ва уларнинг фуқароларига қарши террорчилик актлари тайёрлаш ва уюштиришда фойдаланилишининг олдини олувчи самарали чоралар кўришни, айблов қўйилган террорчиларни судга топшириш ҳаракатига ёрдам беришини талаб қилади.

Хавфсизлик Кенгаши Афғонистонда, айниқса, «Толибон» ҳаракати назоратида бўлган ҳудудларда наркотик моддаларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва ноқонуний сотиш кўлами кенгаяётганлиги ҳамда бу можаронинг давом этишига сабаб бўлаётганидан жиддий хавотирда. Шу сабабли Кенгаш «6+2» гуруҳининг наркотиклар билан боғлиқ муаммоларни Наркотиклар устидан назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ёрдамида мувофиқлаштирилган ҳолда ҳал этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди. У гуруҳ аъзоларини ва бошқа манфаатдор томонларни Афғонистонга қўшни бўлган давлатларда наркотиклар устидан назоратни кучайтиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга чақиради.

Хавфсизлик Кенгаши «Толибон» ҳаракати раҳбарияти зиммасига унинг олдинги қарорларидаги талабларни бажариш чораларини кўрмаганлиги учун жавобгарлик юклайди.

«Шу муносабат билан Хавфсизлик Кенгаши унинг барча тегишли қарорлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ мақсадли қўшимча чораларни қўллашга тайёр эканини маълум қилади", — дейилади БМТ Хавфсизлик Кенгаши Раисининг баёнотида.

■ **Ҳошимжон МУРОДОВ,**
(ЎзА)

«НИҲОЛ — 2000» ОЧИЛДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети маданият саройида республика олий ўқув юртлари талабалар театр студияларининг «Ниҳол — 2000» театр санъати фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу фестиваль Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзбекистон миллий университети, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

■ **Ўз мухбиримиз.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ДАВРИЙ МАТБУОТНИ ТАРҚАТУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналар иши самарадорлигини янада ошириш, босма нашрларни республика аҳолисига ўз вақтида етказиш, уларни етказиб беришни жадаллаштириш ва таннархини пасайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгиланснинки, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва компания таркибига кирувчи корхоналар 2000 йил 1 майдан бошлаб 2003 йил 31 декабргача ялпи даромаддан беш фоиз миқдорида солиқ тўлайдилар ва ялпи даромаддан Республика йўл жамғармасига 0,5 фоиз миқдорида маблағ ажратадилар, бўшаб қолган маблағлар матбуот тарқатиш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2000 йил 1 майдан бошлаб 2003 йил 31 декабргача «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига давлат бюджетидан даврий матбуотни авиация ва темир йўлда ташиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини қоплаш учун мақсадли фойдаланиладиган маблағлар ажратишни назарда тутсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва компания таркибига кирувчи корхоналарга электр энергиясини «Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари» истеъмолчилар бешинчи гуруҳи бўйича бериш;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига босма нашрлар вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикасига ҳар куни барвақт етказиб берилишини назарда тутган ҳолда самолётлар учиши жадвалини қайта кўриб чиқиш тавсия қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Й.Отаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 13 апрель

МАЙДОН МАРДНИКИ

Бугун Шаҳрисабзда кураш бўйича халқаро турнир бошланади

Аслини олганда, ўзбек кураши истиқлол нафасидан баҳра олгандан кейин бўй кўрсатди. Гап шундаки, курашимиз жаҳоний мақом олиб, халқаро миқёсда тобора оммавийлашиб бормоқда. Курашга ошуфталар сафини кенгайтиришда, моҳир полвонлар маҳоратини юзага чиқаришда анъанавий равишда ўтказиб келаётган халқаро турнирнинг ҳам аҳамияти каттадир. Хусусан, Амир Темур хотирасига бағишлаб 1992 ва 1996 йилларда Шаҳрисабзда бўлиб ўтган халқаро мусобақалар жаҳоний аҳамият касб этди. Мана энди, учинчи марта ўтказилаётган бундай мусобақага Президент совринини қўйилаётгани ҳам полвонлар-у мухлисларни мамнун этмоқда.

Шундай қилиб бугун Соҳибқирон руҳини шод этишга бағишланган халқаро турнир бошланади. Беллашувларда АҚШ, Россия, Саудия Арабистони, Эрон, Грузия, Болгария, Қозоғистон, Қирғизистон каби 20 га яқин мамлакатдан ташриф буюрган полвонлар кураш майдонига тушадилар. Мутлақ чемпионлик учун курашнинг қизғин ва муросасиз бўлиши кутилмоқда.

— Биз шаҳрисабзликлар бундай мусобақанинг қадимий шаҳарда ўтказиб келинаётгани, айниқса, бу билан бобокалонимиз яна бир бор ёд этилаётганидан беҳад хурсандмиз — дейди шаҳар ҳокими, халқаро мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси Зариф Қўзиев. — Меҳмонлар ҳамда полвонлар учун барча шароитлар яратилган. Беллашувлар ўтказиладиган ўйингоҳ таъмирланган. Ғолибларга Президент совринидан ташқари вилоят ҳамда туман ҳокимликларининг эсдалик совғалари ҳам ҳозирлаб қўйилган. Чеварларимиз тўндўппилар тикишган. Эрталабдан бобомиз руҳига бағишлаб Қуръон қироат қилинади. Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилади. Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Бир сўз билан айтганда, мусобақа ўзига хос байрам тарзида уюштирилиб, кўпчиликда яхши таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

■ **Ўз мухбиримиз**

«ОБУНАЛОТО-2000»

ТАШАББУС КЕНГАШДАН БОШЛАНДИ

Ўз сафларига 2578 партия аъзосини жипслаштирган ЎзХДП Бухоро тумани кенгаши «Обуналото»ни ўз аппаратида ишловчи ходимларидан бошлади. 9 киши «Обуналото» чипталарини расмийлаштирди.

— Бизда 38 та бошланғич, 80 та ҳудудий партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти, — дейди туман партия кенгаши котиби Бахтиёр Қурбонов. — Барча партия ташкилоти котиблари ҳам «Обуналото» чипталарини сотиб оляптилар. Бу ташаббус эса барча партия аъзолари ўртасида кенг қулоч ёймоқда.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бу муҳим ишни жонлантиришда «Бухоро почтаси» акциядорлик жамиятининг туманлардаги бўлимлари ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

— Газета таҳририяти бу тадбирни яхши ўйлаб топган, — дейди «Бухоро почтаси» акциядорлик жамиятининг Ғиждувон филиали бошлиғи Шодмон Омонов. — Бизга мурожаат қилаётганларнинг сони кун сайин кўпаймоқда. Ҳамма яхши ният билан «Обуналото» чипталарини тўлдиряпти. Уларнинг ҳаммасига омад кулиб боқишига аминмиз.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ОЗОДЛИККА ЎҚ ЕТМАЙДИ

Мамлакат пойтахтида барпо этилаётган «Шаҳидлар хотираси» мажмуи олдида ўйлаганларим..

ТАЪЗИМ





Маҳбусни — Озодлик тарафдорини олиб келдилар. Қурол ўқталдилар. Ўқ отилди... Ўқ ўчди. Озодликка ўқ отилди. Бу билан Миллатни отдилар... Келажакни отдилар. Шу юртга ҳеч қачон ҳурлик келмайди, деган маънода ўқ отдилар. Бизнинг бугунимизга, истиқлолимизга ўқ отилган эди. Бугун ҳур бўлиб туғилган, ҳур бўлиб дунёга боқаётган фарзандларимизга, бешикдаги гўдакларимизга ўқ отилганди ўшанда. Қодирийни отиб ўлдириш билан биргаликда миллий ўйғоқликни йўқотишни назарда тутган эдилар. Халқини севганларни *«халқ душмани»*га чиқариш. Муддао шу эди.

Бу майдонда қанчалаб фозиллар, оқиллар, ҳурликсеварларнинг қони тўкилмади. Зимистонлик ичра порлаган гўзалликкка — сўнмас юлдузлар нурига ўқ отилди. Аслидачи... Юлдузларга тош ҳам етмайди. Ўқ ҳам етмайди. Нурни қилич кесмайди. Вужуд қулаши мумкин. Руҳнинг исёни мангу.

Сокин ва сирли, дилда сукут уйғотувчи бу жойда мен бир нарсани эслаяпман. Агар марҳумнинг руҳига дуои фотиҳа қилсак, жанозаси ёки бирор мовлудида қўлимизни дуога очсак, елкамиздан тоғ қулагандай бўлади. Биз инсоний қарзимизни фарз билганимиздан енгил тортамиз. Марҳум руҳи олдида юзимиз ёруғ бўлади. Бу майдон ҳам истиқлолнинг, озод юрт аҳлининг қатаён қурбонлари руҳи олдида иксоний қарзини адо этиб, фотиҳага қўл очадиган табаррук жойи бўлади. Шу ердан ўтаётиб оғринамиз, кўз ўнгимизда бугунги ёруғ кунларни орзу қилган боболаримиз гавдаланади. Биз билган-билмаган сиймолар... Улар кўп эдилар. Уларнинг ўткир нигоҳлари, исёнкор кўзлари тепамиздан боқиб туради. Бизга-да куч беради. Бизни-да шижоат сари ундайди. Улар бизнинг бепарво, беўй яшашимизга ҳалал беради. Шоирнинг бир жумласи бор: *Сизнинг бегам яшашингизга ҳалал бермайдими хотирот!* Зўр гап.

Хотира бизга яхши маънода ҳалал беради. Боболаримиз ким эканлиги, ким бўлиб яшаганликларидан воқиф этади хотира. Биз уларга лойиқмизми, шу кунларда истиқлолда бирор эзгу иш қолдираяпмизми, истиқлолга қарата ўқ отилса, кўксимизни қалқон қилиб чиқоламизми? Ана шундан имтиҳон қилди Хотира.

«Шаҳидлар хотираси» мажмуининг яна бир томони бор. Юртимизга жаҳоннинг кўп давлатларидан раҳбарлар, сиёсатчи арбоблар, зиёлилар келишади. Улар бу майдонни беҳуда қурилмаганини ҳис қилишади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиш учун нечоғлик даҳшатли кунларни бошидан кечирганини англашади. Ўзбекистон ўз истиқлолини осонликча қўлга киритмаганини тушуниб етадилар. Улар ҳар бир ўзбекистонлик ортга йўл йўқлигини фаҳмлаб билишини тафаккурига жо этишади. Қон ичида, зулм сиртмоғида йўқолиб кетмаган миллат намоён бўлади бунда. Бизга дўст ниятда келганларнинг кўнглидан «Озодлигинг мангу бўлсин жафокаш халқ, йўли ойдин Ватан», деган хайрихоҳлик туйғулари кечади. Мана — бу майдоннинг яна бир моҳияти.

Энди ўзимизга, юртимизга қайтсак... Ўғлимиз ё қизимиз, фарзандларимиз зиёратга келадилар. Ўз аждодларини олқишлайдилар. Уларга содиқ фарзанд бўлишга чоғланадилар. Миллат бўлиб жипслашмоқ учун сабоқ беради бу майдон. Насллар учун буюк тарбия масканидир бу. Ёшларимиз зиёратга келадилар. Қалбида иззат- ҳурмат, оқибат чироқлари порлайди. Ўйга чўмадилар. Уларнинг тасаввурида эзгулик қуёши балқийди. Мана — бу майдоннинг тоғин бир моҳияти.

Шаҳидлар бизнинг бобомиз эди. Улар лаҳзада ўққа учишини сезиб қурол тиғига тик боққанда шу қисқаликда нимани ўйладилар? Нега, улар мард, боши тик, кўзида исён ёқиб ўлимга қарадилар? Ана шу нарса — ўлимни енгиш туйғуси нима эди?.. Агар ҳар биримиз шу туйғулар замирида нима борлигини англасак, бугун, эртага, ҳеч қачон ўз йўлимиздан адашмаймиз. Биз янглишмаймиз.

Бу майдон Озодликнинг Инсон қадри ва хотирасига ҳурмати тимсолидир.

Бу майдон Озод Ўзбек юртининг ҳурликпарвар ва тинчликпарвар Инсониятга эзгу эҳтироми намунасидир.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

Суратларда: бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1995 ЙИЛ

Май. ЎзХДП Марказий Кенгашида Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари аппарати ходимларининг амалий семинар-ўқуви бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон ХДП кенгашларида иш юритишни ва ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикрлашиб олдилар. Тошкент шаҳар Миробод ва Акмал Икромов туман партия кенгашларининг бу борадаги фаолияти билан танишдилар.

2 июнь. Тошкентда Ўзбекистон ХДП Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри ва улардаги туман кенгашлари партия раҳбар ходимларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари» мавзуидаги маърузаси тингланди.

Шу ойда Қарши, Бухоро ва Андижон шаҳарларида ҳам шундай минтақавий семинар-кенгашлар бўлиб ўтди.

28 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Дудэу унинг илтимосига биноан қабул қилинди. Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби меҳмонга партиямиз ташкилотларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, мавқеи ва уларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардаги иштироки ҳақида гапириб берди. Элчи самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор қилди.

3 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорда муаллифнинг янги китоби назария, сиёсат ва амалиёт масалалари узвий алоқада ифодаланганлиги билан муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

5 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон давлат мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган тадбирлар режаси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди ва уни тасдиқлади. Режага кўра, маҳаллий партия ташкилотлари аҳоли турли қатламлари ўртасида маърузалар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ва анжуманлар ўтказиш белгиланди.

ИСЛОҲОТ ВА ТАЪЛИМ

ДАВРИМИЗНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

Соғлом авлодни тарбиялаш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги долзарб вазифалардан биридир. Бу вазифани бажариш мавсумий бўлмай, у жамиятимиз тақдирини белгилашда жуда зарурий омил бўлиб ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши давлат аҳамиятига молик масалани янада чуқурроқ англаш, вазифани кўнгилдагидек амалга ошириш масъулиятини юклайди. Чунки ҳар томонлама шаклланган ёш авлод фақатгина жамиятимизнинг келажагини белгилаш қудратига эга бўлмай, айни пайтда давримизнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир.

Бугунги кунда ёшларни айрим ақидапарастлар таъсиридан сақлаш учун уларнинг маънавий ва диний тарбиясини кучайтириш лозимлигини ҳозирда ҳаммамиз англаб етдик. Уларни умуминсоний ғояларга содиқ, Ватан фидойиси, ўз оиласи ва ўз элининг тинчлиги йўлида жонини аямайдиган қилиб тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиз, бурчимиздир.

Ёшларимизнинг турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш мақсадида нималар қила олдик? Нималар қила олмаяпмиз.

Албатта, ёш авлоди билимдон юртнинг келажаги буюкдир. Истиқболни ўйламаган миллатнинг келажаги эса йўқ, келажак ҳақида чуқур қайғурган миллатнинг истиқболи порлоқдир. Зотан, келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшлар тарбиясига эътибор ҳар қачонгидан ортиб бораётганлигининг боиси ҳам шунда. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши билимли ва малакали авлодни тарбиялашда жуда муҳим вазифаларни ўртага қўйган бўлиб, Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари, жамоатчилиги ҳам уни муваффақиятли амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Университетда соғлом авлодни тарбиялаш ишига катта эътибор берилиши самараси ўлароқ, талабаларда ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, истиқлол ғояларига садоқатли бўлиш, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғуларини, касб маданиятини шакллантириш муҳим ижтимоий-сиёсий масала сифатида қаралмоқда.

Дорилфунунда ёш авлодни илмли ва ахлоқли қилиб тарбиялаш жараёни «Талабаларнинг умумий ва касб маданиятини шакллантириш бўйича маънавий-маърифий ишларнинг кенг қўламли дастури» асосида олиб борилмоқда. Ушбу дастур асосида университетнинг барча факультетларида истиқболли иш режалари тузилган. Режаларда талабаларни юксак маданиятли, билимли мутахассис сифатида шакллантириш вазифаси қўйилган бўлиб, унда тарбиянинг бир неча кўринишлари, жумладан, умуминсоний ва миллий ахлоқий (ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳуқуқий ва онгли интизом, жинсий, экологик), ғоявий-сиёсий (мафкура), меҳнат, касб, иқтисодий, нафосат, жисмоний тарбиялар ўз ифодасини топган. Университет жамоасининг бутун куч-ғайрати ана шу шарафли вазифани бажаришга қаратилгандир.

Давлатимиз соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнига алоҳида эътибор бермоқда. Сўнгги йиллар «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди ва бу саналарнинг ҳар бири тарихда ёш авлодни тарбиялаш борасида ўзига хос жараён бўлиб қолади. Самарқанд дорилфунуни жамоатчилиги, хусусан маънавият ва маърифат бўлими ҳам ёшлар тарбиясида оиланинг ўрнига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Чунончи, оилали талабаларнинг рўйхати аниқланган бўлиб, уларнинг яшаш ва ўқиш шароитлари ўрганилмоқда, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Талаба йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида турли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, «Оила ва оилавий бахт», «Мен бахтни қандай тушунаман», «Қизлар, мустақил ҳаётга тайёрмисиз?», «Гўзал хулқли қизлар — оила гултожи» каби мавзуларда бир неча давра суҳбатлари ҳамда кечалар ташкил этилди. Бу борадаги ибратли ишлардан бири шундаки, ётоқхоналарда оилали талабалар учун махсус хоналар ажратилган. Ҳимояга муҳтож оилали талабаларга йил давомида моддий ёрдам бериб борилмоқда. Университет миқёсида «Ибратли оила», «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» мавзуларида ўтказилган кўрик-танловлар ҳам соғлом авлодни тарбиялашда ўзига хос тарбия мактаби вазифасини ўтамоқда.

Гиёҳвандликка қарши кураш тарбиянинг муҳим воситасидан бирига айланиб бормоқда. Гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши кураш давримизнинг энг муҳим ижтимоий масалаларидан бири эканлигини дорилфунундаги ҳар бир ходим ва талаба англаб етмоқда. Университетда ушбу соҳа бўйича ҳуқуқ-тарғибот маркази тузилган бўлиб, у ўзининг режасига эга. Самарқанд шаҳар ва вилоят ҳуқуқ-тарғибот идоралари раҳбарларининг ушбу мавзу юзасидан ўтказиб келаётган суҳбатлари, учрашувлари талабаларни сиёсий ва жисмоний соғлом қилиб тарбиялашда катта натижалар бермоқда.

Университет ёшларининг дарсдан бўш вақтларини самарали ўтказишга айниқса алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир талабанинг қобилияти, индивидуал сифат ва хусусиятлари, қизиқиш ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда илмий, ижодий тўгараклар ташкил этилган. Биргина ўзбек филологияси факультетида «Ёш тилшунос», «Мумтоз адабиёт», «Адабиётшунослик» каби илмий тўгараклар, «Шалола» ижодий тўгараги ташкил этилган.

Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шаклларидан бири — таълим муассасаларида ота-оналар, оилалар, маҳалла қўмиталари, жамоатчилик марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлашдир. Шуни назарда тутиб, талабаларимизнинг нафақат ўқишда, балки ётоқхонада, жамоат жойлари ва маҳаллада ўзини тутиши, оиладаги тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Мунтазам равишда талабаларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказилиб турилмоқда. Ушбу тадбирлар талабаларимиз қачон, қаерда ва ким билан бирга эканлиги ҳақида маълумот олиш учун яхши натижа беряпти. Учрашувлардан кўриниб турибдики, ота-оналар ҳам ўз фарзандлари тарбиясига бефарқ эмас. Улар ҳам биз билан узвий алоқада бўлиб туришга ҳаракат қилишмоқда. Албатта, мамлакатимизнинг ободлиги, осойишталиги ёшларимизнинг қўлида экан, биз уларни жисмонан бакувват, ақлли, фикри соғлом, дунёқараши кенг, ватанга фидойи қилиб тарбиялашимиз учун қўлимиздан келган барча саъй-ҳаракатларни аямаслигимиз керак.

Юртимиз янги минг йилликка юз тутмоқда. Келажак ёшлар қўлида экан, университетимиз талабалари ҳам келажакда ўз юртининг гуллаб яшнаши учун куч-қувватини ишга солишига ишонамиз.

■ **Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,**
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректорнинг биринчи ўринбосари

ТОШКЕНТ – ПЕКИН: ҲАМКОРЛИК КЎПРИКЛАРИ

Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Хитойга борди. Мамлакат бўйлаб сафари давомида у Хитойнинг қатор йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Улар орасида транспорт воситалари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур, йирик ва сармояли «Ситик» компанияси ҳам бор эди. Бу компания дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг пойтахтларида метрополитен қурилишида иштирок этганди. Жумладан, Покистон, Кения, Эрон ва бошқа мамлакатларда метрополитен қурилишига кўмаклашган эди. Масалан, Кенияга метрополитен қурилиши учун жаҳон стандартларига мос келадиган видеотизим комплектларини етказиб берганди. Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, Хитойнинг ўзида Пекин, Шанхай ва Гуанчжоуда ер ости транспорт тизимлари ишлаб турибди.

Шундан сўнг бирмунча фурсат ўтгач, Хитойдан Ўзбекистонга «Ситик» компанияси вице-президенти Джоу Пейу раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи ташриф буюрди. Меҳмонлар дастлаб Тошкент метрополитенининг ривожланиш истиқболи билан танишиб чиқдилар. Компания ишбилармон вакилларининг мамлакатимизга ташрифи «Ситик» компанияси билан Тошкент шаҳар ҳокимияти ўртасидаги келишув битимини имзолаш билан якунланди. Шартномага кўра, Хитой томони мамлакатимиз пойтахтида ишлаб турган Собир Раҳимов номидаги станциядан — Сергели йўналишигача бўлган 8,2 километрлик масофадаги қурилиш ишларида қатнашадиган бўлди.

Шундай қилиб Осиёнинг икки мамлакати ўртасида метросозлик соҳасида техник-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кўприк бунёд этилди. Шу йилнинг март ойида эса амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича янги қадам қўйилди. Тошкент шаҳар делегацияси ҳоким ўринбосари А.Тўхтаев раҳбарлигида Хитойга жавоб ташрифи билан борди. Бизнинг лойиҳачиларимиз, метросозларимиз, фойдаланувчиларимиз Хитойдаги лойиҳалаштириш, қурилиш ва метрополитенни ёритиш замонавий транспорт воситалари ишлаб чиқариш тизими билан танишдилар. Ўрганса бўладиган ибратли тажрибаларни кўрдилар ва хитойликлар билан ҳамкорлик қилса арзийди, деган хулосага келдилар.

Хўш, Тошкент метросининг янги йўналишлари қурилишида икки томон ўртасида қандай битимга келишилди? Бу ҳақда Тошкент метрополитени бош муҳандиси Ринат Ўрмонов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввалам бор, қисқача қилиб, 2003 йилда қурилиши бошланадиган янги линия ҳақида, унинг техник-иқтисодий асослари ҳақида гапирсам. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳозирча «Тошметролойиҳа» институтида ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳага институтнинг бош муҳандиси Б.Мираҳмедов раҳбарлик қилмоқда. Лойиҳалаштирилаётган йўналишда олтита станция қурилади. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу станциялардан тўрттаси ер ости сувлари яқин бўлганлиги сабабли ер устида бунёд этилади. Худди шу сабабли транспорт тоннеллари ҳам унча чуқур бўлмаган жойдан қазилади. Бундан ташқари трасса бўйлаб бино ва иншоотларни бузишга ҳам тўғри келмайди. Қурилишга давлат бюджети маблағлари сарфланади.

Хитой компаниясининг инвестициялари бизни қизиқтираётганининг сабаби шуки, улар Ўзбекистон учун иқтисодий жиҳатдан фойдали. Мўлжалланган протокол лойиҳаси низомига кўра кредитларни қайтариш муддати ўн йилга чўзилади. Ҳозирча кредитлар қанчани ташкил этиши аниқланмоқда. Демак, қарзлар ўн йил давомида узилса ҳам бўлаверади. Ушбу маблағларга «Ситик» компаниясидан 40 та замонавий ва қулай вагонлардан иборат ҳаракат таркиби, энергия таъминоти, сигнализация, марказлаштириш ва блокировка қурилмалари билан бирга ускуналар комплекти, телевидение, радиоалоқа, овоз кучайтиргич ва бошқа қурилмалар олиниши мумкин. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу инвестициянинг бир қисмидан қурилиш-монтаж ишларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Сўзининг охирида Ринат Абдураҳмонович айтдики, бу қурилмалар ва замонавий вагонлар жаҳон андозаларига жуда мос келади. Агар зарурат туғилса хитойлик муҳандис ва техник ходимлар ҳам бунёдкорлик ишларида қатнашадилар. Демак, ишонч билан айтиш мумкинки, Тошкент метрополитенининг тўртинчи навбати илмий техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлантиради.

■ **Икром АХМЕТОВ**



Тошкент вилояти Паркент туманидаги тоғ ён бағридан ўрин олган «Кумушкон» сиҳатгоҳини билмайдиган одамларни учратиш қийин. Бу сиҳатгоҳ шундай жойлашганки, ёзнинг июнь-июль ойларигача қорли тоғдан оқиб тушаётган сувнинг ўзи кишига ҳузур бағишлайди. Ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, турли хил қушларнинг сайрашидан роҳатланасан киши.

«Кумушкон» саёҳатчилар масканида яқинда тадбир бўлиб ўтди. Сиҳатгоҳ жамоаси Соғлом авлод йили мавсумида халққа ош беришди. Бу дастурхонга сумалак, ҳалим тортилди. Куй қўшиққа уланиб кетди, халқнинг азалий ўйинларидан — арқон, мерганлик ва бошқа ўйинлар намойиш этилди. Сиҳатгоҳ 7500 ўринга мўлжалланган бўлиб, мактаса арзигулик барча шароитлар яратилган. Дам олгани борган барча кишиларнинг болаларига махсус тарбиячилар ажратилган.

— Биз эндиликда жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги коттежлар қурмоқчимиз, — дейди оромгоҳ директори Жонон Маҳкамов.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ГУЛОБ «ОЛТИН»И

Янгиликнинг қўш қаноти бўлади, дейдилар. Дарҳақиқат, аслида ҳам шундай. Мамлакатимизнинг энг жанубий сарҳади ҳисобланмиш — Шарғун кўмир кони ҳавзасидан фосфорид кони топилиши нафақат Сариосиё аҳлини, балки бутун сурхонликларни хурсанд этганди. Шу билан бир қаторда бу ерда яна катта миқдорда маъданли ўғит — калий заҳираси борлиги ҳам аниқланди.

Қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган бу ўғитларни деҳқонлар Гулоб «олтин»и деб аташмоқда. Бу кон дастлаб 1956 йилда кашф этилганди. 1960-66 йилларда яна текширув-тадқиқот ишлари олиб борилди. Ва ниҳоят 1996-97 йилларда Гулоб фосфоридидан фойдаланиш бошланди. Хўш, бу ўғитнинг афзалликлари нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва кимёвий моддалар институти олимлари Сариосиёдаги янги фосфорид топилмасини юқори баҳолаб, фойдали хусусиятлари тўғрисида аниқ хулосалар бердилар. Олимларнинг таъкидлашича, Гулоб фосфориди таркибида 11-14 фоиз тоза фосфор, 13-15 фоиз кальций оксиди, 0,9 фоиз магний оксиди, 0,9 фоиз серо оксиди, 1,5-1,7 фоиз гидрогинут моддалари мавжуд. Шунингдек, унинг таркибида бентонит, гумит каби зарур элементлар ҳам бор. Бу аввало пахта, ғалла, қолаверса, барча қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширади.

Ўтган йилларда кўплаб ширкат хўжаликлари ҳар гектар ердан 40-50 центнер пахта ва ғалла ҳосили олишди. Бунинг натижаси ўлароқ, мана 2-3 йилдирки, сариосиёлик деҳқонлар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида йиллик режаларини вилоятда биринчи бўлиб уддалашмоқда.

Гулоб «олтин»ининг келажаги порлоқ.

Узунлиги 24, чуқурлиги 50 км. бўлган маъданли кон ўғити кўп йиллар давомида нафақат Сариосиё, балки бутун Сурхон воҳаси, Ўзбекистонимизнинг далаларини ҳам яшнатиши табиий.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ТАДБИРКОР БОЗОР ҚУРДИ

ЛЕКИН... ЎЗИГА ОЗОР ҚУРДИ

Қурилишнинг нимаси ёмон? Ҳар қандай қурилиш ободончилик демакдир. Яна қурилиш — даврнинг манзараси.

Қаранг, истиқлол манзараларига, илгари «хусусий мулк» деган гапдан айримларнинг лабига учуқ тошиб кетарди. Собиқ тузум — масалиққа тўлмайдиган ва тўймайдиган қозон эдимией. Энди-чи? Бир-биридан чиройли иморатлар, дўконлар, корхоналар... Ҳаммасининг эгаси, солиқ тўловчиси бор.

— Биз ҳам яхши ният билан бозор қурган эдик, — дейди шаҳрисабзлик тадбиркор «Сиртлон» хусусий фирмаси бошлиғи Жамшид Усмонов. — Бошда ваъдалар катта бўлди. Савдо-сотиқ билан шуғулланадиганлар шу бозорда фаолият кўрсатади, дейишди. Энди эса...

— Нега шундай бўлди! Бу фикрлар ҳужжатларда акс этганми?

— Бўлмасам-чи, мана танишинг, бозоримизни кўринг!

Тадбиркор тақдим этган ҳужжатлар билан танишар эканман, масалага атрофлича ёндошишим кераклигини тушундим. Аввало, шароит ва зарурат ҳақида. Маълумки, қадимшунослар Шаҳрисабз шаҳрининг ёшини 2700 йил деб белгиламоқдалар. Юртимиздаги энг қадимий шаҳарнинг илм-фан, давлат қурилиши, меъморчилик, хуллас, жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида мавзу. Аммо шаҳар бозорлари билан машҳур бўлгани ҳам рост.

Шаҳарнинг қадимда карвон-карвон молларни қабул қилгани ва четга чиқарганини қўйиб турайлик. Шўро даврида ёқ шаҳарда вилоятдаги беш-олтита туман, ҳатто қўшни Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидаги аҳолини жалб этган бозор вужудга келди. Буни «Жумабозор», дейишарди. Бу «кўчма бозор» деган номни ҳам олди. Бозорда ҳунармандларнинг маҳсулотларидан ташқари, савдо ташкилотларининг кийим-кечак буюмлари чиқарилар, одамларда танлаш имконияти пайдо бўлганди. Бу зарурият эди. Собиқ тузум савдоси мол айирбошлаш, харидорлар талабини йўлга қўя олмасди, унга қарама-қарши ўлароқ, бозор иқтисодиётининг илк куртаклари пайдо бўлаётган эди.

Бироқ «Жумабозор» жойлашган Кулоллик маҳалласидаги кўчалар тор келиб қолди. Ёмғир-қор остида савдо қилинарди. Кенгроқ жой керак эди. Бозорни Танхоз дарёсининг ўзанига кўчиришди. Бу жой ўзини оқламади. Шаҳар ҳокимлиги ташкил топгач, кўчма бозор «Ипак йўли» кўчасига — «Ҳисор» ўйингоҳи қаршисидаги кенг майдонга кўчирилди. Лойиҳа асосида дўконлар қуриш мўлжалланди. Аммо маблағ топилмай, режалар қолиб кетди.

Кўчма бозор ҳозир ҳам очиқ майдонда давом этмоқда. Амир Темур бобомизнинг қутлуғ тўйи муносабати билан фақат «Шаҳрисабз» деҳқон бозори қайтадан қурилди, холос. Бу эски бозор майдони ҳам тор. Атрофини эски уйлар қуршаб олган, транспорт воситалари жойлашиши қийин. Кейинги пайтда пайдо бўлган тижоратчилар — улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланадиганлар учун алоҳида бозор керак бўлиб қолди.

Ҳокимлик қарори билан янги бозор қуришга киришилди. Бироқ бу қурилишни маблағ билан таъминловчи йўқ эди. Ҳаммаси бўлиб, 1 миллион 246 минг сўмлик иш бажарилгач, қурилиш тўхтаб қолди. Шаҳрисабз туман ҳокимининг 1999 йил 27 февралдаги 56-сонли фармойишида шундай дейилади: «Шаҳар бозорларини тартиббга олиш комиссиясининг 1999 йил 4 февраль кунидаги йиғилиши баённомасини амалга ошириш мақсадида: 1. Туман ҳокимининг қарорига асосан, маҳаллий тушумлар ҳисобидан қурилаётган улгуржи бозор қурилиш бюджет маблағи танқислиги сабабли тўхтатилсин. 2. Ушбу бозорни ўз маблағи ҳисобидан қуриш истагини билдирган фуқаро Ж. Усмоновга топширилсин... Келгусида «Бозор» ҳиссадорлик жамияти таркибига кириши кўрсатиб ўтилсин...»

Шундан кейин тадбиркор ва унинг қариндош-уруғлари умид билан ишга киришишди. Уларга 64 сотих ер ажратилди. Қашқадарё вилоят ер ва бино иншоотлари давлат кадастри бош бошқармасидан гувоҳнома олишди. Қарз-ҳавола кўтаришди. Ўтган йилнинг март ойида бошланган қурилиш муваффақиятли якунланди.

Очиғи, бу ўзига хос бозорчага кириб ҳавас қиласиз. Кираверишда ғиштин дарвоза. 39 та алоҳида-алоҳида дўкон, узунлиги 54 метр, эни 25 метр бўлган раста, новвойхона, ошхона қурилган. Яна «Кисловодск» тизимидаги усти ёпиқ жой ҳозирланган. Таги қазноқ бўлган катта магазин биноси ҳам тикланган. Атрофи девор билан ўралган. Бир сўз билан айтганда, Тошкент, Қарши каби шаҳарларда фаолият кўрсатаётган айрим кичик бозорларга хос ажойиб савдо маскани. Камида 850 киши савдо қила олади.

— Бозор қурдик, ҳиссадорлик жамиятига аъзо бўлдик, — дейди тадбиркор Жамшид Усмонов. — Улгуржи савдо билан шуғулланувчиларга ҳамма шароитлар яратилган. Уларни эса бошқа жойга жойлаштиришаяпти. Хўш, бу жойда ким савдо қилади? Уни корхонага айлантириб бўлмаса.

Дарҳақиқат, ғалати жумбоқ. Қарор билан тадбиркорга бозор қурдиришди. Қанча маблағ, меҳнат кетди. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг бозорларни тартибга солиш ҳақида қарори мавжуд. Энди эса янги бозорда фаолият кўрсатувчилар эски автошоҳбекат майдонига кўчирилди. Аввало, бу жойда якка тартибда савдо қилувчилар учун ҳеч қандай шароит йўқ. Бундан ташқари кўчма — «Жумабозор» айнан «Ипак йўли» кўчаси қаршисидаги майдонда фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ҳам бозор қуриш учун катта маблағ зарур. Бу ишга ҳам айрим мард тадбиркорлар киришса, аҳволи қандай кечаркин...

Гапнинг сираси, мен туман ҳокимини танқид қилиш фикридан узоқдаман. У кишининг раҳбарлигида хайрли ишлар қилинмоқда. Ўтган йили пахта ва дон топшириш режалари ошириб адо этилди. Қўшма корхоналар тузишга эътибор кучаймоқда. Бироқ даврнинг ўз талаблари бор.

Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузаларида давр руҳи тўла акс этди. Президентимиз иқтисодни эркинлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришни энг муҳим вазифа қилиб қўйдилар. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки тадбиркорлик йўлида турфа ғовлар, сунъий тўсиқлар бор. Бунга биз тилга олган воқеа ҳам ёрқин мисолдир. Сарфлаган маблағи эвазига тадбиркор бозор эмас, яхшигина корхона қуриб олса бўларди. Энди у нима қилсин? Бозор расталари, дўконларни бузиб, кимощдига сотсинми? Масала ана шундай кўндаланг қўйилмоқда. Уни ҳал этишга бир-икки кишининг истаги билан эмас, балки шу кун талаби, тадбиркор меҳнатини қадрлаган ҳолда ёндошмоқ зарур.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ДУШАНБА 17

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 17 апрел куни "Ўзбекистон" 1 телеканали кўрсатувлари соат 15.00да бошланади.

15.00 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
15.20 "Сув ости экспедицияси". Телесериал. 4-қисм.
16.10 "Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз".
17.10 "Бир наво истар кўнгил". Мусиқий дастур.
17.40 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 "Банифаси таътилда". Мультфильм.
18.30 "Тафсилот".
18.40 "Бир жуфт қўшиқ".
19.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
20.00 "Время".
20.40 "Махфий ҳужжатлар" (X-files) сериали.

ЎзТВ-4
21.35 "Соккер-клуб".
21.55 Клип антракт.
22.00 "Вести".
22.30 "Дил изҳори".
23.00 "Фаровонлик лойиҳаси".
23.20 Кинематограф. "Кутилмаган меҳмон". Бадиий фильм.
00.35 "Ахборот"
1.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30 канал

Соат 18.00 га қадар профилактика.

18.05, 19.35 – "Телеҳамкор", "Метеохабар".
18.25 "Дўндиқча". Телесериал.
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиқлолим-истиқболим".
21.20 "Ватан мадҳи". Мусиқий дастур.
21.55 Кураш бўйича Ўзбекистон президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир.
22.20 "Мерос". Телесериал 1-қисм.
23.10 "Ахборот".
23.40 "Гугуртга кетиб". Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 17 апрел "Ёшлар" телеканали соат 17.25да бошланади.

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 "Янги авлод" почтаси, Мульттомоша.
18.00 "Буюк юрт фарзандиман".
18.10 "Қувончнинг иккинчи соҳилида". Ҳужжатли фильм.
18.35 "Жараён". Ёшларнинг миллий мафкураси масаласида.
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс ва Эколаш".
19.35 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар" : Истеъдод-2000, Тақвим, Ёшлик баёзи.
20.05 "Фурқат Мирзаев куйлайди".
20.20 "Эрта сўнган юлдузлар". Ҳабибулло Раҳматуллаев.
20.40, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.45 "Доктор Финли". Телесериал.
21.35 "Бир пиёла чой устида".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.40 "Эколаш".
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.30 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
1.15 "Шарқ эстрадаси".
1.30 "Тонг юлдузи".

*** Ҳақиқий шодлик — содиқ дўст юзини кўриш.**
*** Тўғри сўз ўз эгасини нажот сари этаклайди.**
*** Кишининг сўзи — ақлнинг тарозусидир.**
*** Оқил кишининг қалбини сирлар сандиғи деб билгил.**

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 17 апрел куни "Ўзбекистон" 1 телеканали кўрсатувлари соат 15.00да бошланади.

21.35 "Ёшлар овози".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.40 "Эколаш".
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
